


таҳкамлашга хизмат қилади,
деб умид билдирәдилар.



ДОЛМАТИК СОҒ



№

20

ЮРАК... У узлуксиз равишда ишлайди. Организмнинг ҳаёт кечириши юрак фаолияти билан узвий боғланган. Буюк аллома Абу Али ибн Сино, ҳамма касалликларнинг давосини юракдан бошлаш керак, чунки дард аввало юракдан, сўнгра танадан фориғ бўлади, деган эди.

Юрак ҳар бир қисқариб кенгайганда қон томirlарига етарли миқдорда қон етказиб беради. Организм тирик экан, ҳаёт манбан— қон тўхтамасдан танада ҳаракат қилаверадди. Юрак организмни ксилород ва озук моддалари билан таъминлаш билан бир вақтда организмдан углекислий газ ва модда алма шинувида ишланиб бўлинган маҳсулотларни олиб чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам шу муштек инсон юраги умумий соғлиғимизнинг бош омиди деб юксак эъзозланади.

Кўплаб газетхонлар илтимосига кўра, «Саломатлик»нинг ушбу саҳифаси киши тасанининг шу «митти паҳлавони»га бағишланди.

Жарроҳлик муолажаси медицина фанини бойитишда муҳим роль ўйнамоқда. Жуда усталли билан ва моҳирона олиб бориладиган операциялар туфайли беморларга қайта умр бахш этилмоқда. Шаҳримиздаги 6-тургухонада ҳам бу борада бой тажрибалар тўпланди.

Суратда: шифохонанинг моҳир хирургларидан (чапдан) Т. Миросникова, М. Ҳолмирова ва врач Ҳ. Мирзаевлар операция пайтида.

А. Абали фотоси.

ЮРАК ТАСКИН ТОПАДИ

САЛОБАТЛИ кўркам бино пештоқда сайқал топиб бу рағзий тасвир эътибори бектеб ўзига тортади. Унга меҳр билан боқасан, киши жарроҳ нафтида инсон юраги уриб турибди. Киши дам оладими, ухлайдими ёхуд ишлайдими — юрак учун дарибир — бир текисда уриб тураверадди. Одамнинг ҳаёт-мамоти шу муштек юрак нэмида эмасми, ахир!

ИНСОН борлигининг «митти паҳлавони» бир зум тўхтамаси, деб, шифо корларимиз қанчадан-қанча муолажалар қилишгани ҳаммага аён. Шу жон-боллик туфайли қанчадан-қанча ҳаста юрак шифо ва таскин топмади дейсан?

Тиббиёт илми жуда нозик аъзоини операция қилиш йўли билан даволашда бой тажрибалар тўплади. Юракка қандайс қолган ўз ёки оқсиланган ошми, ёки бўлмаса перикард (юрак билан ўраб олинган юрак) касаллигини даволаш хирургия учун ўзига қийин бўлмай қолди.

Бевосита юракнинг ўзини операция қилиш бизнинг мамлакатимизда эллигинчи йилларда профессор А. Н. Бакулов томонидан биринчи бор амалга оширилди. Жарроҳлик жасорати туфайли дастлаб академик А. Н. Бакулов, кейинчалик атоқли олимлардан А. А. Вишневский, П. А. Куприянов, Е. Н. Мешалкин, В. В. Петровский, С. С. Брюховецков, Ленин мукофоти лауреати бўлишди.

Илм-фан шаҳри Тошкентимиздаги шифохоналарда ҳам бундай мураккаб жарроҳлик иши муваффақият билан амалга оширилди. Маишур совет хирурги Е. Н. Мешалкин бошлиқ клиника таърибаси бизда жуда кўп келди. Дастлаб, олимнинг ўзи клиника — олимлар билан Тошкентга келиб, жарроҳлик маҳоратини наъмойиш қилди. Профессорлардан С. А. Маъсумов, В. К. Ясенилар ҳаммас устоз меҳрини қозондилар.

Шундай қилиб, Тошкентда юрак операцияга дэдил киришляди. Ётук надрлар етилиб чиқди. Маъна эндиликда Тошкентда ўрта осиеда ягона ҳисобланган хирургия марказига ҳам эга бўлиб туримиз.

Шаҳримизнинг Қодиратов массивида қурилган ўн ҳаватли бинога ана шу улкан хирургия маркази жойлашди, СССР Соғлиғини сақлаш министрлиги таъриб ва хирургия илмий-текшириш институтининг бу Тошкент филиалида юракни даволаш ишлари кенг кўламда олиб борилади. Шу боис илмий марказ бивоси пештоқдаги ярироқ бронзада юрак тасвири жойланган турибди.

Янги даргоҳнинг исми жисмига мованд. Бу ердаги ҳар бир палата, ҳар бир бўлим замонавий жиҳозланган. Диагностика ишлари билан шуғулланувчи лабораторияларга, операция хоналарига ўрнатилган мукамал апаратура ва жиҳозлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Жарроҳлик корпусининг қурилиши билан бу ерга Америка, Англия, Япония, Франция, Швеция каби мамлакатлардан янги қурилмалар олинди.

Саломатлик даргоҳининг катта коллективига атоқли шифо кор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси В. Вохидов раҳбарлик қилмоқда.

Бизда юрак, қон-томир, ўпка касалликлари жарроҳлик йўли билан даволанади, дейди филиалнинг директори. — Шунга кўра, талайгина бўлимлар ташкил топди. Тўғма юрак пороти, ортирилган пороти, функционал диагностика, ошқозон-ичим, биохимия каби бўлимларимизга ўз касбининг моҳир усталари бўлган мелик олимлар мудир этиб таъинланди.

Юракни даволаш ва унинг усуллари ишлаб чиқишда профессор Д. Ҳулов бошлиқ хирург олимлар олдида катта вазифалар турибди. Совет ва жаҳон медицина фанининг юрак операцияси соҳасида кўпга кириб кетган юраклар атрофлича ўқиб ўрганилмоқда. Юракни операция қилишни такомиллаштириш йўллари аниқланди. Шу асту ният йўлида амалга ошириладиган илмий ва амалий тадбирлар жарроҳларга юрак операцияси техникасини пухта эгаллаш имконини беради.

Профессор В. Вохидов раҳбарлигида ҳозирда баъариланган жарроҳлик ишлари ҳам таҳсинга сазовор. Бу ерда ортирилган, тўғма юрак поротлари операцияси қилина бошлади.

Медицинада электронмулк ёрдами билан даволаш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Жарроҳлар ҳам юрак томirlарининг нотўғри урилиши шу йўл билан муолажа қилишни ўзлаштиришди. Паст ҳароратда операция қилиш усули ҳам кўп келди. Шунингдек, электркардиостимулятор деган апарат юрак касалликларини даволашда шифо корларнинг яқин кўмакчиси бўлиб қолди. Сунтий қон айланishi лабораторияси аса «қуруқ» юракда операция олиб боруши марказ деб ном олди.

Даволаш ва илмий марказнинг юшқин фаолияти юришиб кетди. Моҳир шифо кор олимлар ҳали кўп муаммоларга қўл уришляди. Буни талмас излов ва таълабулов коллективининг тузиб чиққан режалари ҳам тасдиқлаб турипти. Амалга ошириладиган илмий программа кўп масалаларни ўз ичига қамраб олган. Аллиқса, тез ердан хирургиясини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Юраклардаги шифо корлар учун илмий марказда ўрланган бой тажрибалар асосида методик тавсияномаларни тузиш ҳам йўлга қўйляди. Юқори малакали жарроҳларни таъриблашнинг даргоҳ ўз зиммасига олди.

Муштек юрак бир маромда тепиб турганидек, ўрта осиеда инг йиринк ҳисобланган мажкур хирургия марказида ҳам илмий-амалий фаолият бир зум тўхтамайди.

А. АЛНОВ.

СОҒЛИҚ— ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

БИЛИВ ҚУЙГАН ЯХШИ

КУПИНЧА «Юрак касаллиги деганда нимани тушунамиз», «Юракнинг ҳасталиғига асосан нималар сабаб бўлади», «Юракка қандай моддалар наф келтирадиган» деган мазмундаги саволларни эшитишга тўғри келади. Ҳар бир дард ўз-ўзидан пайдо бўлмаганидек, юрак ҳасталигини келтириб чиқарувчи кўп факторлар бор. Шу билан бирга унга муолажа бўлаётган шифобахш дори-дармонлар, ташқи факторлар ҳам аниқланган.

Саволларга жавоблар тариқасида қуйидагиларни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бу фикрларни баён қилишда таниқли мелик олим ва шифо корларнинг таъриб ва илмий хулосаларидан фойдаланилди.

ДАВО ВА МАЛҲАМ

АСАЛНИНГ шифобахшлик хусусияти қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино айтганидек, асал аъзоларимиздаги сувоқлик ўтказувчи томirlарни кенгайтириш ва тозалаш хусусиятига эга. У ички аъзолардаги фасодни ҳайдаб чиқарадиган нарсас... Асал кўз хиралашини ҳам дори... Томоқ оғриқ (ангина) даволайди.

Юракнинг нормал ишлашда ҳам асалнинг нафси кўп. Чунки, у глюкозага бой. Глюкоза юрак томirlарини кенгайтиради, организмда қон айланishiни яхшилаб, мускулларни қанд моддаси билан таъминлайди. Асални мунтазам меърида истеъмол қилиб турган кишиларда юрак фаолияти яхшиланади.

КЕНДИР тибқи тариқасидаги моддалар глюкозидлар ҳосил қилишда муҳим ўрин тутди. Бу хил дорининг шифобахшлиги, таъсир кучи аниқланган бўлиб, у юрак-томир касалликларини даволашда қўлланиляди.

ТОШКЕНТДАГИ ўсимлик моддалари химияси институти

КОНИ ЗАРАР

БОД (ревматизм) бўғин касаллиги бўлиши билан бирга бошқа аъзоларни ҳам зарарлантиради. Бу оғир касаллик кишини асосан юрак ва асаб ҳасталиқларига дучор қилади, башларинг юраги кўпича заифлашади.

Бод юрак мушак қувватининг ички пардасини, қоринчалар деворини, ойнасимон ва тавақали киланларини шикастлаб, аъзолни анча оғирлаштиради. Кейинчалик юрак катталшиб, бемор ҳарқиллашган бўлиб қолади, себси шиб кетади. Шунинг учун бу дардга қалбни киши врач маслаҳатига тўла амал қилган ҳолда муолажани охиригача олиб бориши лозим.

ЧЕКИШНИНГ турган-битгани қон зарар. Чекиш инфират миқдордаги келтириб чиқаради ва унинг ағир олиштига сабаб бўлади. Тамаки тариқасидаги захарли никотин моддаси асаб системасига салбий таъсир этади. Шу билан бирга бевосита юрак мускулларини ҳам зарарлантиради. Оқибатда юрак томirlари торашиб, мускулларнинг озиқланиши қийинлашади.

ФИЗИОЛОГЛАР ва терапевтлар юрак, қон томirlари системасига алкоғолининг ёмон

гликозидлар лабораториясида ҳосил қилинган препарат «Юрак гликозиди» деб ном олди. Бу шифобахш дори касаллиқнинг олдинки олишда профилактик мақсадда фойдаланилади.

МУСКУЛЛАРНИНГ етарли актив эмаслиги бир қатор оғир касалликларни келтириб чиқаради. Лўқиллаб югуриш туфайли (бу машқ билан тўғри мунтазам шуғулланса) организмдаги юрак-қон томир касалликлари билан оғирган беморларда юрак сангиси йўқолади, қон босими нормал ҳолга тушади.

ГИДРОАЭРОНИЗАЦИЯ (микромаскин) юрак-томirlар системасининг ҳолатида ўзгариш содир бўлишига олиб келади. Масалан, қон босими паст бўлганда, гидроаэронизация таъсири билан бу босим кўтарилиши мумкин.

Гидроаэронлар таъсири остида юрак мускулларининг иши яхшиланади, тўйиб ва бир меърида нафас олинганда бўлинади, қоннинг таркиби нормаллашади.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ТОКИО университетининг бир группа хирурглари қизларни таърибга ўтказишган. Улар итнинг юрагини кесиб олиб, ўзинга 2 ватт қувватли хромланган (сирти хром билан қопланган) мис моторча ўрнатганлар.

Полэтлендан асалган иккита қочқа юрак камералари хизматини ўтаган. Шундан кейин ит етти соатдан ортқироқ яшаган.

ИНСОН юрагининг уруши унинг ёшига қараб ўзгариб туради. Масалан, катта ёшдаги кишиларнинг юраги бир минутада ўртача 72 марта, бир яшар боланики 110 марта, янги туғилган чақалоқнинг юраги эса 120—140 марта уради.

Ҳайвонларнинг юрак урилиши улар танасининг каттакичилигига боғлиқ. Энг йиринк ҳайвонларнинг юраги секунди ва анг майда жониворларники эса тез уради. Масалан, филнинг юраги ҳар минутда 25—40 марта урса, сичқонларники эса минутта 520—780 орасида уради.

ҒАЙРИ-ТАБИИЙ А ЖОЙ ИБОТЛАР

ОРАМИЗДА ички аъзоларни ғайри-табиий ҳолатда жойлашган одамлар бор. Бунда юрак ўн томонда жойлашади, ошқозон, ичаклар нотўғри туриб қолади. Шунингдек, жигар чап томонга ўтади. Демак, бу аҳволда кўр ичак касаллиги олдати ўн томонда бўлмай чап томонда бўлади.

ИЧКИ органларнинг тескари туриши ҳаёт учун мутлақо зарарсиз. Айрим кишиларда фақат юракнинг биргина ўзи чап томонга эмас, балки ўн томонга ўтирилган ёки бутунлай шу томонда жойлашган бўлади.

1967 йили Белград яқинидаги Жарков шаҳридан бир қизик хабар келди. Рамо Осма деган ёш боланинг юраги иккита экан. Юракнинг бири олдатида чап томонда, иккинчиси ўн томонда жойлашган. Иккала юрак ҳамки жихатдан нормал юракдан кичик бўлиб вазифасини бемалол бажарган.

ИТАЛИЯНИНГ Турк шаҳридаги бир клиникада врачлар Юғия Лонго исмли студент киши бир ярим ой давомида уч марта ўлимдан сақлаб қолди. Қизнинг юрагини ўтказиб қоларди. Врачлар электрон регулятор ёрдамида юракни бир маромда ишлатиб юбордилар.

ЮРАК фаолиятини яхшилаш илми

тида тери остига жайкин электрстанция қўйиш мумкин экан. Электр станция ҳаракатини қувват олади.

СОВЕТ мелик олимлари (Янушкевич ва бошқалар) 4 соат мобайнида 50 марта тўхтаб қолган юракни янз қайта ва пухта ишта тушириб юбордилар. Олимлар бу соҳадаги илмий ишлари учун Ленин мукофоти лауреатига сазовор бўлишди.

ИНГЛИЗ биологи Бель ўз юрагини хоҳлаган пайтда секинлаштириб билган. Физиолог Чермак юрагининг урилишини бир қадар ҳам тўхтади, ҳам секинлатди олган. Инглиз полковниги Тауснед юрагининг урилишини узок муддатгача тўхтади кўр экан. Шунда у хушидан кетар, муздай бўлиб қоларди. Бундай ҳолат бир неча дақиқа давом этгач, у яна ўз аслига қайтарди.

БУНДАН 400 йил муқаддам Андрей Везалий бир ўлиқнинг кўрагини ёрган. Вожаиб, у юракнинг уриб турганини кўрган. Демак, у тирик кишини сўйиб қўйган экан. Шунда у «Бошқа аъзолар ишдан қисса ҳам юрак ўзгариш ишлатиш (автоматизм) қобилиятига эга экан» деган хулосага келди.

ТЎПЛОВЧИ: медицина фанлари кандидати З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ҒАЛАТИ ХОДИСАДАН ЖИДДИЙ ТАДҚИҚОТ

ОНА БАҒРИНИНГ СИРИ

ТААЖОҒУБ бир ҳодиса: оналар ўз гудакини кўпинча чап томонига олиб кўтарди.

Агар бунинг сабабини сўрасан, эҳтимол улар қўлиб, шу мазмунда жавоб беришар: «Шундай кўтариш ўнгароқ, кинайкеини бунда ҳар бир юқуш учун ўнақай бўлган асосий, ўнг қўл бўш бўлиб туради». Лекин бу ғалати муаммоба айрим олимлар қизқичиб, уни илмий кўздан ўтказишга, унинг асл сирини аниқлашга киришди.

Имма учун аёл болани чап бағрига олиб кўтаришнинг бектеб равишда арзан кўради! Тадқиқотчи Ли Солк бу ғалати ҳодисанинг сирини онанинг юрак урилишига боғлаб тушутилади. Унинг фикрича, қонмаллик ҳаёти вақтидаёқ бола ҳар турли ташқи таъсиротларни сезади. Аяни ҳолда она қорни қомила учун ташқи муҳит ҳисобланади. Она қорнида намоён бўлувчи энг домий ва бир текисда давом этадиган таъсиротлардан бири онанинг юрак урилишидир.

Тадқиқотчи бу таъсирот киқобий ҳиссий қимматга эга эканлигини ҳам таъкидлайди. Чунки, қомила учун она организмим роҳатлико муҳитдир, дейди. У ана шу «роҳатликолик» онанинг юрак урилиши билан боғлиқ.

Туғилиш жараёни эса мурғакнинг фароғатли ҳаётини салғоқ-далғоқ қилиб юборади: таъсиротлар, муҳит, ов-

қатланиш тамоман ўзгаради. Бундан танлиқда илгарги «роҳатликолик» ҳолати билан боғлиқ бўлган бирдан-бир омили-онанинг юрак урилиши мурғак учун тинчлантирувчи, ҳиссий ёқилликни бағш этувчи ёнги осега бўлиб эътибор қилади. Шунинг учун ҳам бола ўзига ўрганиш бўлиб қолган ана шу товуш манбан бўлиши кўракага босиб кўтарилиса, у тинчланади.

Онасидадан аниқланган 102 чақалоққа юрак урилиш товуши аъиб олинган пайт гудаклар палатасида муттасил эшиттириб турилди. Шу чақалоқлар билан аяни бир кунда тутилган яна 112 гудак олиб, уларга юрак урилиш овози эшиттирилмади. Шунда оналарнинг зарби қўлигига кирган чақалоқларнинг вазни меълум вақтда сўнг иккинчи группедки чақалоқларникидан бир мунча зиеб бўлган. Бунинг устига кейинги группадки болалар жуда кўп йиллаган...

Аёлларнинг бола кўтариши да «чап томонлик» ёки «ўнг томонлик» масаласи жуда киқарини ҳодиса. Бу масала илмий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиб чиқилса, чақалоқларни парварши қилишда янада киқобий натижага эришиш мумкин.

А. КОЗУЛИН.

Врачлар меликсини ошириш марказини институтининг илмий ҳодими.

НОДИР ҚҮЛЁЗМАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида Абу Али ибн Сино асарларининг бир неча қўлёзмалари сақланади. Илмий ҳодимларнинг маълум қилишларича, бу ерда буюк олимнинг «Юрак дорилари» ном-

ли тиббий рисоласининг қўлёзмаси ҳам бор. Қўлёзманинг XV бобида юрак ҳақида қисқача изох берилади, содда юрак дориларини устида тўтатилади. Қоннинг энг латиф хилларидан [Ибн Сино хил деганда

одам гавдасининг дастлабки унсurlаридан пайдо бўлган тўрт асосий сувоқлик тариқбий қисм — балғам, саффо, савдо ва қонни қузда тутган] вужудга келиши, мия ва унга боғлиқ бўлган ҳислар — ҳўрсанд-чилик, ҳафалик ва газбнинг

юракдаги моддий руҳга ташқи муҳитнинг кўрсатган таъсиридан пайдо бўлиши тўғрисида ҳам фикр юртилади. Асарнинг XVI боби ўсимлик, ҳайвон танасидан ва минерал жиқслордан олинган 65 хил содда юрак дориларига ба-

ғишланган. Шундан кейинги икки боб мураккаб юрак дорилари ҳақида ҳикоя қилади. Бундай дорилар кўп хил содда доридан таркиб топади. «...Дорининг мўътадил қилиб таърибланган таркибига майда қилиб туйилган анор ранглар бир мисқол нафис ёқут қўшдим, — деб бэзди олим. — Бемор жуда яхши манфаватла-

нади ва умидсизликдан улуг иқбол томон юзланади». Рисоланинг охири XIX бобида юрак дориларининг қасалга беришдан олдин унинг ичкини тозалаш лозимлиги ўқитилади ва бунинг учун ишлатиладиган дорилар рецети кўрсатилади. «Юрак дорилари» рисоласи бу борада эътилган биринчи ва энг яхши асар ҳисобланади.

